

## ЎЗБЕК ТИЛИДАН УРДУ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРДА ДУО, ОЛҚИШ ВА ТИЛАКНИ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИКЛАР ТАРЖИМАСИ (ЎЗБЕК НАСРИ НАМУНАЛАРИ АСОСИДА)



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393909>

Умарова Моҳира Азим қизи

таянч докторант

Tel: +99899 851 30 90; E-mail:

[mohiraumarova3090@gmail.com](mailto:mohiraumarova3090@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романни ва Гофур Гуломнинг “Шум бола” қиссаларининг урду тилидаги таржималарида дуо, олқиши ва тилакни ифодаловчи бирликларнинг таржимон Манзар Салим томонидан таржима қилиши усуллари, уларнинг ўзбек миллийлигини таржима асарларида юзага чиқариши масалалари атрофлича ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** дуо, олқиши, тилак, таржима усуллари, аналогия, миллий колорит.

### ABSTRACT

This article discusses in detail the methods of translating units representing blessings, applause and wishes in Pirimkul Kadyrov's novel "Starry Nights" and in Gafur Gulyam's story "Mischief Maker" into Urdu by translator Manzar Salim, as well as the issues of the appearance of Uzbek nationality in translation works into this language.

**Keywords:** benevolence, wish, blessing, translation methods, analogy, national coloring.

Бирон-бир халқнинг ўзига хос миллий колоритини очиб берувчи унсурлар сирасига – дуо, олқиши ва қарғиши сўзларини ҳам киритиш мумкин. У асарнинг ажралмас бўлаги бўлиб, ўша миллатнинг маданиятини, нутқини, менталитетини юзага чиқариш учун хизмат қиласди. Бундай сўзлар ҳар бир тилда мавжуддир.

Маълумки, олқиши ҳам, дуо ҳам кишиларга нисбатан ижобий муносабатни, яхшиликлар тилашни ўзида мужассамлаштиради. Олқиши орқали ҳам, дуо

орқали ҳам инсоннинг бир-бирига нисбатан илиқ ижобий муносабати яққол сезилади.

Покистонда ҳам ва умуман, урдузабон халқларда дуо ва олқишиларга қаттиқ эътибор қаратилади. Покистон ҳалқи ҳам албатта, ҳар бир қилинган эзгу ишдан сўнг шу ишни қилган инсонни мақтайди, унинг номига дуолар қиласи, олқиши сўзларини айтади. Покистон Ислом Республикаси бўлгани учун, уларнинг кўп олқиши сўзлари ва дуолари Ислом дини билан боғлиқдир. Ҳатто кўп китобларнинг бошланиши, кириш қисми Аллоҳга ҳамд билан ва Куръон суралари билан бошланади.

Дуо, олқиши тилаклар боғлиқ сўзлар халқ турмуш тарзи, босиб ўтган йўли таъсирида шаклланади. У ўзида том маънода миллийликни мужассам этади. Бундай «нозик» сўз ва ибораларни таржима қилиш эса мутаржимдан анча билим ва кўнимани талаб этади.

Бу борада Ф.Эшбоева: “Ўзбек фольклоршунослигида қарғишга яқин турувчи жанрлардан бири олқишидир. Олқиши ҳам теран миллий негизга эга бўлган, яъни “таржимага бўйин бермайдиган” жанр”<sup>1</sup>, - деган фикрни билдириб ўтади. Дарҳақиқат, олқиши сўзлари тарихан шаклланган, йиллар оша вужудга келган сўз бирикмалари саналади. Б.Саримсоқов ҳам қарғиш ва олқишиларни бир-бирига зид жанрлар эканлиги ҳақида шундай фикр билдиради: “Сўзнинг сеҳр-жоду қудратидан қўрқиши ҳамма вақт сўзга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш фольклор жанрлари составида бир-бирига моҳиятан тамомила қарама-қарши бўлган жанрларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Олқиши ва қарғишлар ана шундай бир-бирига зид жанрлар саналади”<sup>2</sup>. Мана шу бир-бирига тамомила зид бўлган икки жарн “таржимага бўйин эгмас”лиги жиҳатидан ўзаро яқин саналади.

Қуйидаги “Шум бола” қиссасидан олинган мисоллар орқали олқиши, тилак ва дуоларни таржима қилиш усуллари, улар таржима асарда ўз ифодасини қанчалик топганини таҳлил қилдик. Бундай сўзлар ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, улар асосан ёши катталар нутқида ишлатилади ва олқиши ҳамда дуо сўзлари ҳар бир тил лексикасида мавжуд. Халқнинг менталитетидан, эътиқод қилувчи динидан, тарихий такомилидан келиб чиқсан ҳолда лексик бирликлар ҳам шаклланади. Масалан, ўзбек тилида баракалла, балли, офарин каби сўзлар шулар сирасидандир. Уларнинг бошқа тилларда ҳам эквивалент ва муқобил

<sup>1</sup> Эшбоева Ф. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 30.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Олқишилар ва қарғишлар // Ўзбек фольклори очерклари. 1 -жилд. – Тошкент: Фан, 1988, – Б. 143.

вариантлари мавжуд, албатта. Ҳар бир тилда улар турли ифода этилади. Қиссадан келтирилган ана шундай сўзларни урду тилига таржима қилинган вариантлари билан чоғиштирилди:

— Ҳа, балли азамат, неча кундан буён кўзим учиб, йўлпашша айланиб юрган эди, ҳайтовур яхшиликка кўринди. [Ш.Б.76]

”شاباش ! پھوپھا نے میرے بالوں کو پیار سے سہلاتے ہوئے کیا۔ تم نے بہت اچھا کیا کہ ہمیں یاد کیا۔ آج بڑی مکھی کمرے میں منڈلا رہی تھی تو میں سوچنے لگا کہ آخر کون مہمان آنے والے ہو ! [سرگزشت ایک لڑکے کی - ۶۷ ص-]

— Яхши, яхши, баракалла.. [Ш.Б. 65]

شاباش--- [سرگزشت ایک لڑکے کی - ۶۵ ص-]

— Жуда маъқул, балли-балли, Ҳожи бобо. [Ш.Б.100]

ٹھیک ہے، حاجی بابا. بہت خوب، حاجی بابا۔ [سرگزشت ایک لڑکے کی - ۶۵ ص-]

— Ҳа, баракалла, баракалла, азамат, баракалла. [Ш.Б. 85]

شاباش، شاباش--- [سرگزشت ایک لڑکے کی - ۸۶ ص-]

Келтирилган тўртта мисолдан кўп қисмida аслият матнидаги “баракалла”, “балли” олқиши сўзлари урду тилига айни эквиваленти – “шабаш” билан берилган. “Баракалла” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “сени Худо муборак қилсин; офарин деган маъноларни англатади. ЎТИЛ да унинг уч хил маъноси келтирилади: 1. Кимсанинг бирор харакатидан мамнунликни, маъқуллаш, мақтовни англатади. 2. Маъқуллаш, тасдиқлаш маъносини англатади. 3. Норозилик, қониқмаслик маъносини англатади”.<sup>3</sup> демак, икки ҳолатда ушбу сўз олқиши сифатида, ҳамда бир ҳолатда у кесатиш ва салбийликни ифода этади. Юқоридаги барча мисоллардаги вазиятда у мамнунлик, олқишли ва мақтовни ифода этган. Ҳа, баракалла, баракалла, азамат, баракалла – мисолидаги “азамат” олқиши сўзи тушириб қолдирилган. Унинг таржимада акс этмаслиги билан контекстдаги маъно ўзгариб қолмаган. Шу сабабли ҳам уни хато деб бўлмайди.

“Барака” сўзидан ясалган “барака топгур” ибораси ҳам адабий манбада учради. Қайд этиш лозимки, уни урду тилида ифодалаш анча мушкил саналади.

Кеча Омонбой барака топгур ҳам тоза ғайрат кўрсатди-да, бундан ҳам катта тўнкани ковлаб чиқарди. Ҳалол ийигит экансизлар, барака топгурлар. [Ш.Б.85]

<sup>3</sup>Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.35.

کل امان بائے نے بھئی، خدا اسے خوشیوں سے ہم کنار کرے، خوب جانفشاری دکھائی تھی۔ اس ٹھنڈھ زمین سے کھود نکالے تم دونوں ہی بڑے [سرگزشت ایک لڑکے کی۔ ۸۵ ص۔] نے دو بڑے ایماندار لڑکے ہو!

Бу барака топгурларни бизга Худо етказди. Йўл кетиб турган, жуда ҳам қобил йигитлар экан. [ Ш.Б. 79]

ارے مالک، ان لڑکوں کو تو خدا نے ہماری مدد کرنے کے لئے بھیجا ہے۔ خدا انہیں خوشیاں عطا کرگشت ایک لڑکے کی۔ ۷۶ ص۔] کرے--

Танланган жумлалардаги “барака топгур”, “ҳалол йигит” ижобий коннотация берувчи олқиши сўзлари урдуга интерпретация усули билан таржима қилинган, яъни гап ичидаги уларнинг шархи кетган. “Барака топгур” ибораси “Аллоҳ уни яхшиликлар, баҳт билан ёнма-ён қиссин, унга Худонинг яхшиликлари бўлсин” деб ўтирилган. Назаримизда, таржима жуда чиройли чиққан. “Ҳалол йигит” эса урдуга ҳалол, тўғри, вижданли деган маънени берувчи – “ایманدار” (i:ma:da:r) сўзи билан ўтирилган. Бу ерда кўпроқ диний коннотация берилган. Аслиятда келган “қобил йигит” эса тушириб қолдирилган. Кўриниб турибдики, таржималар жуда мувафақиятли чиққан ва ёзувчи назарда тутган маъно етказиб берилган. Биламизки, “қобил” дегани – “1. Қобилиятли, лаёкатли, ҳар ишга уқуви бор; 2. Сўзга кирадиган; ювош, мўмин”<sup>4</sup> каби маъноларни англатади ва шундай инсонларга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун урду тилига уни айнан шу маънени берувчи ”معقول باتمیز“ сўз билан ифода этса янада тўлиқ таржима юзага келган бўлар эди.

“Тилак ва дуо тушунчалари орасидаги нисбий фарқ шундаки, тилакда, кўпинча, инсон(лар)га яхшилик бевосита тиланади, дуода эса инсон(лар)га яхшилик, марҳамат Яратгандан сўралади”<sup>5</sup>, X.Хамидов томонидан келтирилган ушбу фикрга биз ҳам қўшилган холда, дуоларни асосий қисми, мазмуни Аллоҳга нисбатан, нимадандир асраш учун, бошига оғир кулфат тушганида, бирорга яхши тилак ният қилиш мақсадида ёки шунчаки шукроналик билдириш учун қилинади. Уларнинг кўпида Аллоҳ номи келтирилади, ёки келтирилмасада, яширин маънода айнан у Зотга қаратилган мурожаат назарда тутилади. Масалан,

Эй Худо, қуруқ тухматингдан асра, қандай балога йўлиқдим, ўзинг сақла!  
– деб жавоб берар эди у. [ Ш.Б.24]

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати. 5 жилдлик. 3 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.177.

<sup>5</sup> Хамидов X..Бадиий таржимада тилак, дуо ва қарғишларнинг берилиши. Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги 2 (илмий маколалар тўплами). Республика илмий-амалий анжумани мат-лари. – Тошкент: ТошДШИ, 2014.Б.103-109.

”خداوند کریم، مجھے اس سفید تہمت سے بچا لے، خدائے رحیم، میں کیسی مصیبت میں پڑ گیا۔ [سرگزشت ایک لڑکے کی] - ۳۵ ص۔

Мисолдан кўриниб турибди-ки, бир инсон бошига кулфат тушганда Аллоҳга юзланиб, унга илтижо қилмоқда ва Ундан сўрамоқда: “Эй Худо, қуруқ тухматингдан асра, қандай балога йўлиқдим” жумласида инсоннинг ички кечинмалари ҳам яширинган, яъни айби йўқ инсон илтижо орқали Аллоҳдан уни бу тухматдан асранини сўрамоқда. Урду тилида бу жумла “Худойи карим, мени оқ тухматингдан сақла, меҳрибон Аллоҳ, мен қандай мусибатга йўлиқдим” каби таржима қилинган. “Қуруқ тухмат” ибораси урдуда “оқ тухмат” каби берилган. Бундан ташқари, ички кечинмаларни ифода этиш мақсадида мутаржим жумлага “меҳрибон Аллоҳ” сўзларини ҳам қўшган. Натижада илтижо қилувчининг ички ҳислари таржима асарда жуда чиройли талқин этилган. Аслият ва таржима жумлаларни чоғиштирилса, аслиятдаги умумий маъно тўғри берилганини, шу билан бир қаторда, урду тилидаги экспрессивликни оширувчи сўзлар ҳам тўғри танланганлигини, таржима аналогияси ўринли қўлланилганлигини кузатиш мумкин ва аслиятдаги илтижодан кўзланган маъно таржимада ҳам ўз ифодасини тўғри топгинини эътироф этиш лозим.

Юқоридаги мисолда Аллоҳга илтижо қилинган вазият келтирилган бўлса, навбатдаги мисолда Аллоҳга шукроналик келтириш вақтидаги шукроналик сўзлари келтирилади:

— Худога минг қатла шукурлар қилиб, секингина қўйларни ҳайдаб бозорга кетдик. (Ш.Б.77)

بم نے خدا کا لاکھ شکر ادا کیا اور دعائیں مانگتے ہوئے کہ وہ ہمیں اپنی نت نئی عنایات سے کو بازار کی طرف ہانکتے رہے۔ [سرگزشت ایک لڑکے کی] - ۸۱ ص۔[نوازے، بھیڑوں

Аслиятдаги “Худога минг қатла шукурлар қилиб...” шукроналик сўзлари миннатдорчилликнинг энг кучли кўриниши бўлади. Аллоҳга қилинган дуо ва илтижоларга у Зотнинг жавоби сифатида тушунилади. Урду тилига ушбу шукроналик сўзи муқобил варианти билан берилган. Урду тилида ҳам “خدا کا ”لاکھ شکر ادا کرنما” – “Худога юз минг марта шукурлар қилмоқ” ибораси кенг қўлланилади. У аслиятдаги жумлага мос тушади. Сабаби ўзбек тилида келтирилган “қатла” сўзи – марта, маротаба, карра маъносини билдиради. Шу билан бирга урду тилида юқоридаги мисолдек эмоционал-экспрессивликни янада ошириш мақсадида, аслиятда келтирилмаган бўлса-да, қўшимча “дую қилиб” ибораси ҳам акс этган.

Олқиши ва истак сўзлари сўзловчининг қабул қилувчига нисбатан хайрихоҳлик туйғусини ифодалайди, бу туйғунинг ифодаси ушбу жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқа ўрнатиш ёки давом эттиришга ёрдам беради, шунинг учун ижобий истакларнинг баёнотлари мулоқот қилувчиларнинг шахслараро муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлади. Кўрилган мисолларда урду ва ўзбек халқи олқиши, дуо тилак ва шукроналик сўзларида ўхшашлик жиҳатлари кўп учраши кузатилди.

Хар бир халқ ўз менталитети, турмуш тарзи, эътиқод қилувчи динига кўра дуо, олқиши ва тилак сўзларини яратади ва қўллайди. Покистон Ислом Республикаси бўлгани, бутун дунёда урду тилида сўзлашувчи халқнинг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қилгани учун ҳам ушбу сўзларни таржимада ифодалашда урду тили таржимони М.Салим анча ютуқларга эришган. Мутаржим бунда кўпроқ аналог бериш усулини қўллаган. Баъзи ўринларда матннинг умумий маъносига таъсир этмайдиган сўзлар тушириб қолдирилган.

## **REFERENCES**

1. Эшбоева Ф. Ўзбек халқ қарғишиларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол.фан.номз.дисс. – 179 б.
2. Ҳамидов Х. Ўзбекчадан туркчага насрый таржима муаммолари (Монография). – Тошкент: 2014. – 140 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ўзб. Мил. Энц, 2006. – 679 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: Ўзб. Мил. Энц, 2006. – 571 б.
5. Kholmirzaev T. Urducha-o‘zbekcha lug‘at – Pokiston: Muqtadira Qaumi Zaban, 2003. – 389 b.
6. Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Шарқ, 2016. Ўзбекистон. 1981. – 496 б.
7. Ғафур Ғулом. Шум бола. – Тошкент:– 155 б.
8. غفور غلام . سرگزشت ایک لڑکے کی۔۔ تاشقند شاخ محفوظ. ۱۹۸۲
9. قادروف پ. ظہیر الدین بابر۔ تاشقند رادوگا ۶ ۱۹۸۶۔ ۶۴۴ ص